



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 15 январь, шанба • №5 (11.704) • Эркин нархда сотилади

## Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти веб-сайти очилди

Пекинда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) Котибияти расмий фаолият кўрсата бошлаганининг бир йиллиги ва ШХТ веб-сайти (<http://www.sectso.org>) очилиши муносабати билан қабул маросими бўлиб ўтди. Унда ХХР пойтахти дипломатик корпуси, халқаро ташкилотлар, Хитой вазирликлари ва идоралари вакиллари иштирок этишди.

ШХТ ижроия котиби Чжан Дэгуан ўз кириш сўзида ташкилот ўтган бир йил муддат давомида сезиларли тараққиётга эришганини қайд этди. Бунга хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг фаоллашгани, Тошкентда Минтақавий аксил-террор тузилмасининг фаолияти йўлга қўйилгани, Наркотиклар ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши, ШХТга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашувлари механизми йўлга қўйилгани эъзага эришилди. Ташкилот аъзолари савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳам му-

ваффақиятли тарзда ривожлантиришди. Ташки алоқалар мустаҳкамланди: Тошкент саммитида Монголияга кузатувчи мақоми берилди, БМТ, АСЕАН, МДХ ва ЕИ билан алоқалар ўрнатилди. ХХР ташқи ишлар вазирлиги вакили Ли Хуэй тадбирда сўзга чиқиб, Тошкент саммитидан сўнг ШХТ ривожланишининг янги босқичига кўтарилганини эътироф этди ҳамда барча иштирокчи давлатларнинг саъй-ҳаракатлари самарасида ташкилот ўз олдида қўйган мақсадларига эришиши ва минтақа тараққиётига кўмак беришига умид билдирди.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

## Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитини шоду хуррамлик билан ўтказиш халқимизнинг азалий анъаналаридан экани, ушбу сананинг жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши ва «Сиҳат-саломатлик йили»да инсонларда руҳий-маънавий, жисмоний поклик сифатларини шакллантиришдаги аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам – Қурбон ҳайитни дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2005 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 21 январга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда 21 январь кунини мамлакатимизда дам олиш кунини деб эълон қилиниб, байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 12 январь.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҲАЁТИ

### Нуфузли танлов олдидан

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишига кўра, республикамизда ўтказилаётган ошпазлар, қандолатчилар ва официантлар кўрик-танловининг дастлабки саралаш баҳслари ниҳоясига етиб, унинг республика босқичи иштирокчилари аниқланди.

Айни пайтда вилоят «Матлуботсавдо» ва «Тошкент регионал трейдинг» акциядорлик компаниялари ва тегишли ташкилотлар мутасаддиларида мамлакат миқёсидаги нуфузли танловда иштирок этадиган вакилларимиз учун махсус тайёргарлик машғулоти ўтказилмоқда. Унда вилоят саралаш босқичида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган энг яхши ошпаз, официант ва қандолатчилар амалий ҳамда назарий жиҳатдан ўз малакаларини оширмоқдалар.

Республика миқёсидаги танлов Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилган.

Шерали ҒАЙРАТОВ.

### Мурувват тадбири

Қибрай туманидаги марказий маданият саройида вилоят меҳрибонлик уйида ҳамда ўзгалар қарамоғида тарбияланаётган етим ва ногирон болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.

Туман ҳокимлиги ҳамда бир қатор жамоат ва ҳомий ташкилотлар ташаббуси билан уш-тирилган кечада болалар учун катта қонцерт дастури намойиш этилди. Тадбир доирасида тузалган тўқин дастурхон атрофига йиғилганларга жами 3 миллион сўмлик совғалар тортиқ этилди.

Ўз мухбиримиз.

### Юрт тупроғи азиз

Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан жойларда қатор тадбирлар ташкил этилди.

Жумладан, Зангиота туманидаги умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган учрашувларда уруш қатнашчилари ўзларининг хотираларидан сўзлаб бердилар. Ўқувчилар Ватанни мадҳ этувчи кўшиқлар ижро этишди.

Отабек РУСТАМЖОНОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

# ВАТАН – САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганининг 13 йиллиги муносабати билан Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида «Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзuida вилоятнинг байрам тантанаси ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ҳамкорлигининг самараси бўлди.

ҳаракатчан Куролли Кучларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, тегишли янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга жиддий киришилди. Шу асосда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини ошириб, Ватан ҳимоячиси обрўсини кўтарди. Шу йиллар ичида давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий мавқеи мустаҳкамланди. Куролли Кучларимиз нисбатан ёш бўлса ҳам, унинг аскарла-

ри ўзларининг жанговар анъаналарига эга эканликларини намойиш этмоқдалар.

Дарҳақиқат, барчамизнинг эркин, беҳадик турмушимизни, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаётганлар — мана шу жасур аскарларимиздир.

Тантанали маросимни Чирчиқ шаҳар ҳокими Шукрулло Бобоев очиб, мустақиллигимизни асраш, юрт осойишталигини ҳимоялашда сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳарбийларимизни қутлади. Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Баҳодир Тошматов, округ штаби бошлиғи Равшан Дадабоев, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова, «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Рихсибой Солиҳовлар миллий армияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни

(Давоми 3-бетда).



Мустақил тараққиёт йўлига утилган дастлабки пайтларда-ноқ Президентимиз томонидан

мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлай оладиган, уни ҳимоя қилишга шай турадиган



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз: **Обуна давом этмоқда**

Бизнинг индекс - 205.



Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг қарори

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ ТҲҒРИСИДА

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 42, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2005 йил 9 январда ўтказилган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига такрорий овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партиёга мансублиги	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	Агзамов Сирожддин Хидоятovich	1952	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	ЎзХДП Тошкент вилояти Кенгаши 1-котиби	Тошкент шаҳри	44-Юнусобод
2	Бойметов Миллавои Турғунович	1956	«Адолат» СДП вилоят Кенгаши, партиёсиз	Чирчиқ шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими мудири	Чирчиқ шаҳри	14-Трансформаторчилар
3	Жалдыбаева Дилдор Ахматжоновна	1955	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Тошкент вилояти Кардиология диспансери бош шифокори	Ўртачирчиқ тумани	49-Тўйтепа
4	Зокирова Муқаддасхон Муротовна	1960	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Пскент тумани марказий шифохонаси поликлиника бўлими мудири	Пскент тумани	42-Пскент
5	Искандаров Турсинхўжа Ёдгорович	1945	«Адолат» СДП вилоят Кенгаши, «Адолат» СДП аъзоси	Қуйичирчиқ туманидаги А.Навоий номи ширкат хўжалиги бошқаруви раиси	Ўртачирчиқ тумани	34-Ўзбекистон
6	Комилов Турсинбой	1950	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Чиноз тумани ҳокими	Чиноз тумани	51-Чиноз
7	Мамадалиева Шохида Тўлқиновна	1963	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Бўка туманидаги 11-мактабгача тарбия муассасаси директори	Бўка тумани	20-Бўка
8	Норхўжаев Солих	1949	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Зангиота тумани	27-Ўзгариш
9	Ризаев Хожиакбар Абдуллаевич	1957	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	ОТМКга қарашли «Ангрен кон» бошқармаси бошлиғи	Бўстонлик тумани	4-Кончи
10	Сайдуллаев Абдужаббор Кадилович	1960	Фидокорлар МДП вилоят Кенгаши, ФМДП аъзоси	Ангрен шаҳри 3-кўча механизациялашган колонна раҳбари	Ангрен шаҳри	2-Талабалар
11	Тоиров Махмуджон	1952	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси, «Паркент тонги» газетаси бош муҳаррири	Паркент тумани	39-Паркент
12	Хаитов Олимжон Шарипович	1960	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Қибрай туманидаги «Солих» фермер хўжалиги раҳбари	Қибрай тумани	29-Ўнқўрғон
13	Хван Станислав Тимофеевич	1943	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши, ЎзЛиДеП аъзоси	Юқоричирчиқ туманидаги «Хван Ман Гым» фермер хўжалиги раҳбари	Юқоричирчиқ тумани	55-Дўстлик
14	Хамидова Шарипа	1952	ЎзХДП вилоят Кенгаши, ЎзХДП аъзоси	Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси	Юқоричирчиқ тумани	56-Жумабозор
15	Юлдашева Инобат Ашуралиевна	1958	ЎзМТДП вилоят Кенгаши, ЎзМТДП аъзоси	Навоий Давлат кончилик Институтининг Олмалик кон-металлургия факультети кафедраси мудири	Оҳангарон шаҳри	9-Кимёгар

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2005 йил 10 январь.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг қарори

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига такрорий сайлов бўйича депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Тошкент вилояти сайлов комиссиясига 2005 йил 23 январь куни 50-«Истиклол» сайлов округи бўйича бўлиб ўтадиган такрорий сайловда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиёси вилоят Кенгаши ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиёси вилоят Кенгашидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва

шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 11, 24, 43-моддаларига мувофиқ Тошкент вилояти сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига такрорий сайловда кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Сайлов округи номи	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми отасининг исми	Тутилган йили	Партияга мансублиги	Иш жойи ва лавозими	Турар жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатган ташкилот
50-«Истиклол»	Раджапов Раҳматулла Хожимуратович	1957	партиясиз	Ўртачирчиқ туманидаги Ангор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси	Ўртачирчиқ тумани	«Адолат» СДП вилоят Кенгаши
	Саримсаков Шарафитдин Зайнитдинович	1972	ЎзЛиДеП	АТ «Пахтабанк»нинг Тўйтепа бўлими бошқарувчиси	Ўртачирчиқ тумани	ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2005 йил 8 январь.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

## Соғлом авлод камолоти йўлида

Таъкидланганидек, «Меҳр ва мурувват йили» дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча ишларда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Аҳолини тиббий-ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, она ва бола саломатлигини яхшилаш мақсадида мамлакатимиздаги қарийб икки мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада истиқомат қилаётган оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилди. Эҳтиёжмандларга жамғарма томонидан зарур дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечак ва бошқа мурувват ёрдами кўрсатилди.

Анжуманда 2005 йил мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан бу борадаги хайрли ишларни янада кенгайтиришга қаратилган ишлар режаси белгилаб олинди.

Ў.А.

## Миллий экспозиция

Маҳаллий ва чет эллик томошабинлар эътиборини ўзига жалб этиб келаётган «Ўзэкспо-марказ»нинг истиқболи янада порлоқ. Мамлакатимизнинг бош кўргазмасини халқаро доирадаги замонавий ва кўркам иншоотга айлантириш мақсадида янги лойиҳа тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг янгича миллий экспозициясини бунёд этишга киришилди. Энди у яқин вақт ичида нуфузли кўргазма кўёфасини касб этади.

Мазкур экспозиция жойлашган бош павильон «Табият мўъжизаси» деб аталадиган халқаро кўргазма кўринишида сайқал топади.

«Турмуш тарзи санъати» деб номланган экспонатларга эса кенг ўрин ажратилади.

Қурилиш ва пардозлаш ишларига кўплаб мутахассислар жалб этилди. Гўзал табиат махсули бўлган нафис қурилиш ашёларидан кенг фойдаланилади. Павильоннинг олд томони ҳам ўзига хос кўринишга келтирилади. Бинога ўрнатилган эшикларга қадимий ўймакорлик усулида сайқал берилди. Шу тариқа «Ўзэкспо-марказ» миллий меъморий санъат қошонаси янгилиг томошабинлар кўз ўнгида янада мафтункор иншоотлардан бирига айланади.

Акбар АЛИЕВ.



# ВАТАН – САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

этироф этган ҳолда йиғилганларни шонли байрам билан дилдан муборакбод этишди.

Байрам муносабати билан вилоят ҳокимлиги, Тошкент ҳарбий округи кўшинлари кўмондонлиги, вилоят мудофаа бошқармаси, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари томонидан бир гуруҳ уруш фахрийлари, соҳада самарали меҳнат қилаётган хизматчилар, ҳарбий билим юртлари курсантлари ҳамда Куролли Кучларда

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўтказилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларига фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг, Чирчиқ болалари Ватан, она-юрт ҳақидаги шеърларни ўқиб, шўх-шодон рақслар ижро этишди. Шаҳарнинг хушовоз кўшиқчилари ҳамда Анвар Фаниев, Тошпўлат Маткаримов, Эркин Худойкулов, Малик Азимов, Сарварабону ва бошқа истеъдодли хонандалар ижро этган кўшиқлар барчага байрамона руҳ бағишлади. Концерт дастурига мувофиқ ўзбек, рус, ко-

рейс, тожик ва бошқа тилларда ижро этилган куй-кўшиқлар ҳам тантана иштирокчиларига манзур бўлди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.  
**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**Дилшод АҲМЕДОВ**  
олган суратлар.



## Ўксик диллар қувончи

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси ҳамкорликда ибратли тадбирни амалга оширди.

Тошкент туманидаги генерал Комилжон Ғафуров номи 18-мактабда таҳсил олаётган ота-онаси йўқ, кам таъминланган ўқувчиларга 386 минг сўмлик спорт кийим-кечаклари, турли анжомлар ҳамда чарм пойабзаллар топширилди.

**Фарида ҚОЗОҚОВА.**

## Тендер танловлари

Вилоятда олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишлари сифатини ошириш, объекتلари малакали қурилиш ташкилотларига топшириш мақсадида тендер танловлари бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, беш йиллик дастур асосида умумтаълим биноларини таъмирлаш ва янгиларини қуриш мақсадида қарийб эллика яқин қурилиш ташкилотлари танлаб олинди.

Янги касб-хунар коллежлари қуриш ва қайта таъмирлаш мақсадида ҳам тендер танловлари бўлиб ўтди. Унда Бўка ва Юқоричирчиқ туманларида қурилиши мўлжалланган 450 ўринли касб-хунар коллежлари учун қурилиш ташкилотлари танлаб олинди. Шунингдек, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари ва Тошкент, Бўстонлик, Пскент туманларидаги таълим муассасаларининг эскиларини таъмирлаб, касб-хунар коллежларига айлантириш масаласида ҳам бир қатор қурувчи ташкилотлар тендер ғолиблигини қўлга киритдилар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

## Ғалла пайҳон бўлмайди

Халқимизда «қиш-бекорчилик» деган гап бор. Аммо, қишлоқ хўжалик ходимлари учун бу иборанинг алоқаси йўқ. Чунки улар мавжуд техника воситаларини таъмирлаш, ариқ-зовурларни ва бошқа майда сугориш шахобчаларини тозалаш ишларини айнан қиш кунларида бажаришни одат қилишган.



Кўкламги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бу тадбирлар Ўртачирчиқ туманидаги «Янги тўлқин» ширкат хўжалигида яқунловчи паллага кирди. Хусусан, мавжуд ҳайдов ва чопиқ тракторлари, сеялкалар таъмирдан чиқарилиб, қайта текширувдан ўтказилмоқда. Қўлда тозаланиши лозим бўлган 9 минг метр узунликдаги сугориш тармоқларининг қарийб 8 минг метри тартибга келтириб бўлинди. Шунингдек, далаларга режадаги 750 тонна ўрнига 950 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Уни экинларга шарбат усулида оқишиш мақсадида ҳар 5 гектар майдонга биттадан, жами 90 та ҳандақ қазилди.

Хўжалиқда Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишининг олдини олишга қаратилган қарори ижросини таъминлашга, айниқса, жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ғаллазорларни тўрт томондан тўрт километр узунликдаги махсус четан тўсиқлар билан ўраш учун 250 дан зиёд киши сафарбар этилди. Улар кун кеча сўнгги майдонга четан тутиб, муҳим тадбирни барвақт яқунладилар.

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) бош ҳосилот Мусулмонқул Асанбоев пудратчи Ҳасан Эшбоев даласига ўрнатилган четанни кўздан кечирмоқда; сўнгги майдонга четан тутиш пайти.

**Даврон АҲМАД** олган суратлар.

## • Фармон ва ижро

## Фаолликни ошириш – давр талаби

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон бугунги кунда жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият идораларидаги иштирокини янада кучайтириш масалаларига қаратилган эди. Ана шу хусусда фикрлашиш мақсадида «Тошкент ҳақиқати» муҳбири вилоят Хотин-қизлар кўмитаси қошида «Аёл, оила ва жамият гуруҳи»нинг раҳбари, Тошкент Давлат аграр университети доценти Муҳаррам Раҳмоновага мурожаат этди.

– Мазкур Фармон асосида Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини янада оширишга қаратилган дастур қабул қилинганлиги айни муддао бўлди. Жумладан, Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ўзининг 2004-2007 йилларга мўлжалланган истиқболли

ҳаракат дастурини қабул қилган бўлиб, у қуйидаги тадбирларни ўз ичига олган: она ва бола саломатлиги; соғломлаштириш ва спорт; хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва бандлик масалалари; уларнинг ҳуқуқий билимлари, касб маҳоратини ошириш; аёлларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш; маънавий ва маърифий ишлар ҳамда ёшлар билан ишлаш.

Дастурда белгиланган бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси раёсати қошида аёл ва саломатлик, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аёл ва ҳуқуқ, аёл, оила ва жамият, хотин-қизларнинг маънавий-сиёсий дунёқарашини шакллантириш, ёшлар билан ишлаш гуруҳлари ташкил этилди. Ҳар бир гуруҳ ўзининг иш режаси, ўтказиладиган асосий тадбирларнинг мазмун-моҳиятини очиқ берадиган алоҳида дастурига эга бўлиб, шу асосда фаолият кўрсатади.

Аёл, оила ва жамият гуруҳининг вазифалари жойларда оиладаги маънавий муҳитни соғломлаштириш масалаларига қаратилган йиғилишлар, савол-жавоб кечалари, учрашувлар, давра суҳбатлари, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳволини ўрганиш мақсадида рейдлар ташкил этиш, тўй-ҳашамлар ва маросимларни ихчамлаштириш, бу борадаги ибратли тажрибаларни оммалаштириш, соғлом она, соғлом фарзанд, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маҳаллалар миқёсида «Отам, онам ва мен» шиори остида спорт мусобақаларини ўтказиш доирасидаги саъй-ҳаракатларни қамраб олади. Айниқса, аёллар спортга катта эътибор бериш, шунингдек, «Замонамиз Барчиноилари» мавзусида спорт байрамлари ўтказиш вазифалари муҳим аҳамият касб этади.

Гуруҳ ўз фаолиятини барча гуруҳлар билан ҳамкорликда, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиб, кўмакларига суянган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Илгари хабар берганимиздек, шу кунларда вилоят шаҳар ва туманлари хотин-қизлар кўмиталарининг бошқарув йиғилишлари бўлиб ўтди. Кеча Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Тошкент, Юқоричирчиқ, Зангиота туманларида ҳам ана шундай тадбирлар бўлди.

## Бошқарув йиғилишлари

Чунончи, Зангиота туманидаги йиғилишда 2004 йил 25 майдаги «Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг туманда бажарилиши юзасидан кўмита ахбороти тингланди. Аёлларнинг фан, маданият ва спорт соҳаларидаги иштироклари, «Сихат-саломатлик йили» дастури ва кўмитанинг вазифалари, айниқса, тиббий-ижтимоий патронаж натижалари таҳлил қилинди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ижтимоий мослашув маркази ҳамда ФХДЭ туман бўлимлари олиб бораётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитасининг раиси Нодира Жўрабоева ижтимоий ҳаётда қишлоқ хотин-қизларининг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Саид ҲАСАНОВ.**



## Dushanba

17

## «Ўзбекистон»

Телетомошабинлар диққатига!  
Профилактика муносабати билан,  
15.00 «Тахлилнома»  
15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чогулари оркестрининг концерти.  
16.05 «Дастурхон атрофида»  
16.20 ТВ анонс.  
16.25 «Масъул сўз»  
16.45 Кундузги сеанс: «Мутлоқ устунлик билан». Бадий фильм.  
17.55 ТВ анонс.

18.00 Янгиликлар.  
18.10 «Ғарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 47-қисм.  
18.35 «Яхшилар ёди»  
18.55 Бир жуфт кўшиқ.  
19.05 «Ўзбекистоннинг тадбиркор аёллари»  
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот»  
21.05 МСК хабарлари.  
21.15 Қарши шахрининг

2700 йиллиги олдидан.  
«Кўёшли юрт таровати». 1-қисм.  
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал (Мексика)

22.55 «Ахборот-дайжест»  
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

16.55 Кўрсатувлар дастури.  
17.00 «Давр» ҳафта ичида.  
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.  
17.35 «Янги авлод» почтаси.  
17.55 Телевикторина.  
18.00 Ракурс.  
18.25 Ёшлар овози.  
18.45 ТВ-афиша.

18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.40 Олис манзиллар.  
20.00 Хамкор - 2005.  
20.10 Мусикий лаҳзалар.  
20.20 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.  
20.30 Сув - ҳаёт манбаи.  
20.35, 21.25 Ўзлонлар.  
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
21.30 Бир ўлкаки.  
21.50 Олтин мерос.  
22.40 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.  
23.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.  
0.30-0.35 Хайрли тун.

## Тошкент

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Қайсар ва довиюралар»  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»  
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда»  
18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал: «Ўргимчак тўри»  
20.20 «Ёшлар даврасида»  
21.20 «Мурувват»  
22.00 Кинонигоҳ. «Муҳаббат формуласи»  
23.25-23.30 Хайрли тун; шахрим!

## Спорт

7.30 «Хабарлар»  
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.00 Мультфильм.  
10.00-11.00 Жаҳон спорти: «Профессионал баскетбол»  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
17.15 «Болалар спорти»  
17.30 «Спортимиз маликалари»  
17.45 «Полвонлар даврасида»  
19.00 «Клон». Сериал.  
20.00 «Мени куттил»  
21.00 «Время»  
21.30 «Хабарлар». Йил якунлари.

22.30 «Проф-РИНГ»  
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
30-й канал  
16.55 гача профилактика ишлари 16.55 Очқичи программаси  
17.00 «Зарубежные клипы» 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Возвращение Мухтара», сериал  
19.45 «Ошикона», мусикий дастури  
20.30 Юмористический сериал 21.00 «Теле-хамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Он начинает сердиться», комедия 00.00 Программа передач

## Seshanba

18

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.  
9.25 «Бизнес ҳафта»  
9.40 «Рангин дунё»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Ўзбекистоннинг тадбиркор аёллари»  
10.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
11.50 ТВ клип.  
12.05 «Кишлоқ ҳаёти»  
12.25 Қарши шахрининг 2700 йиллиги олдидан. «Кўёшли юрт таровати». 1-қисм.  
13.05 «Бегона». Телесериал.  
13.50 ТВ клип.  
14.10 «Портретга

чизгилар»  
14.25, 15.55 ТВ анонс.  
14.30 «Музыка ва театр»  
14.50 Кундузги сеанс: «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 1-қисм.  
«Болалар сайёраси»: 16.00 1. «Кўшигим - жон кўшигим»  
2. «Кувноқ стартлар»  
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»  
18.10 «Ғарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 48-қисм.  
18.35 ТВ анонс.  
18.40 «Остонаси тиллодан»  
19.00 Мусикий танаффус.  
19.05 «Тафсилот»  
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.  
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Фарз ва қарз»  
21.25 «Сиз нима дейсиз?» Мусикий дастур.  
21.55 «Ободлик кўнгилдан бошланади»  
22.15 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал.  
23.15 «Ахборот-дайжест»  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00, 13.00, 16.00 Давр.  
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
10.10 Бир ўлкаки.  
10.30 Уй вазифаси.  
10.50 Болалар экрани:

«Фантадром»  
11.20 Бола тилидан.  
11.50 Олис манзиллар.  
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)  
12.30 Ёшлар овози.  
12.50 Мусикий лаҳзалар.  
13.10, 19.45, 22.35 ТВ-анонс.  
13.15 Интерфутбол.  
14.55 «Янги авлод» почтаси.  
15.15 «Даллас». Телесериал.  
16.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Нақош»  
16.30 Кўрсатувлар дастури.  
16.35 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха.  
16.55 «Мульттомоша»  
17.10 Кўёшли юрт одамлари.  
17.25 Ёшлар куйлаганда.  
17.40 Устоз.  
18.00 Ёшлар овози.  
18.20 ТВ-адвокат.  
18.25 1001 маслаҳат.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00, 22.00 Давр.  
19.35 «Давр»-репортаж.  
19.50 Меҳр кўзда.  
20.10 Марди майдон.  
20.30, 21.20 Ўзлонлар.  
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
21.25 «Умр дафтари» туркумидан: Турғун Алиматов. 1-қисм.  
22.40 «Скарлетт». Бадий фильм. 5-қисм.  
23.25 Футбол-плюс.  
23.45-23.50 Хайрли тун.

## Тошкент

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Қайсар ва довиюралар» (яқунловчи)  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Болажонлар экрани»  
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал: «Ўргимчак тўри»

20.20 «Адолат мезони»  
21.10 «Билим» телеклуби.  
21.50 Кинонигоҳ: «Болаларим қаерда?»  
23.20-23.25 Хайрли тун; шахрим!

## Спорт

7.30 «Хабарлар»  
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.00 Мультфильм.  
9.05 «Эгизаклар». Сериал.  
10.10 «Болалар спорти»  
10.25 «Дисней клуб»  
10.45-11.25 Биатлон.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
17.15 «Болалар спорти»  
17.30 «Кучли бешлик»  
18.20 Кураш. Ўзбекистон кубоги.  
19.00 «Клон». Сериал.  
19.50 Премьера. Л. Удовиченко «Даша Васильева изкуварлик. ишқибози-2» фильмида.  
21.00 «Время»  
21.30 «Хабарлар»  
21.45 «Спорт - менинг

ҳаётим»  
22.00 Жаҳон спорти: «Еврофутбол»  
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
30-й канал  
12.00 Очқичи программаси 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Возвращение Мухтара», сериал 14.00 Художественный фильм, «Он начинает сердиться», комедия 15.40 «Ошикона», мусикий дастури 16.25 «Тайны мира», познавательная передача 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Возвращение Мухтара», сериал 19.45 «Ошикона», мусикий дастури 20.30 Юмористический сериал 21.00 «Теле-хамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Возвращение», мелодрама 00.00 Программа передач

## Chorshanba

19

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.  
9.30 «Соғлом она - соғлом бола»  
9.50 «Табнат шифохонаси»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Тафсилот»  
10.25 «Пилигрим» кемасининг капитани. Бадий фильм.  
11.50 Мусикий танаффус.  
12.05 «Ободлик кўнгилдан бошланади»  
12.30 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли»  
13.05 «Бегона». Телесериал.  
13.50 ТВ клип.

14.10 «Фарз ва қарз»  
14.30 «Экран хандаси»  
15.00 «Рақсинг сеҳри олами»  
15.15 «Ягона оилада»  
15.45 Кундузги сеанс: «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 2-қисм.  
«Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Болалар спорти» 2. «Кизиқарли учрашувлар»  
18.10 «Музыка: кеча ва бугун»  
18.30 «Агар Сиз»  
18.55 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»  
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 «Юзма-юз»  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Тухмат балоси». Хужжатли фильм.  
21.40 Бир жуфт кўшиқ.

21.50 «Журналист таҳлили»  
22.10 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал.  
23.10 «Ахборот-дайжест»  
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00, 13.00, 16.00 Давр.  
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
10.10 «Давр»-репортаж.  
10.20 Футбол-плюс.  
10.40 Жаҳон жугрофияси.  
11.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.  
11.35 Болалар экрани «Топилмалар идораси»  
12.10 Устоз.  
12.30 Ёшлар овози.  
12.50 Мусикий лаҳзалар.

13.10 «Шуке ва Бэйта». Мультсериал.  
13.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха.  
13.50 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадий фильм.  
15.00 Кўёшли юрт одамлари.  
15.15 «Даллас». Телесериал.  
16.10 Меҳр кўзда.  
16.30 Кўрсатувлар дастури.  
16.35 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Болалар шеърляти.  
17.05 Мультфильм.  
17.15 Меҳмонхона.  
17.35 Тенгдошлар.  
17.55 Телевикторина.  
18.00 Ёшлар овози.  
18.20 Бугуннинг ёшлари.  
18.30 ТВ-адвокат.  
18.35 Каталог.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.40 Тараққиёт сари.  
20.00 Спорт-лото.  
20.10 Очил дастурхон.  
20.35, 21.25 Ўзлонлар.

20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
21.30 «Умр дафтари» туркумидан: Турғун Алиматов 2-қисм.  
22.40 «Скарлетт». Бадий фильм 6-қисм.  
23.25 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг кироллари.  
0.15 - 0.20 Хайрли тун.

## Тошкент

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Индаба»  
17.40 «Табриқлаймиз, кутлаймиз»  
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Мусикий меҳмонхона»  
18.30, 20.00, 20.45, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал: «Ўргимчак тўри»  
20.20 «Имконият»  
21.05 «Аёл қалби»  
21.30 «Пойтахт йўллариди»  
22.05 Кинонигоҳ:

«Жазда фақат қизлар»  
23.40-23.45 Хайрли тун; шахрим!

## Спорт

7.30 «Хабарлар»  
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.00 Мультфильм.  
9.05 «Эгизаклар». Сериал.  
10.10 «Болалар спорти»  
10.25 «Кувноқ стартлар»  
11.00-11.20 Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон биринчилиги.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
17.15 «Болалар спорти»  
17.30 «Кучли бешлик»  
18.20 Кураш. Ўзбекистон кубоги.  
19.00 «Клон». Сериал.  
19.50 Премьера. Л. Удовиченко «Даша Васильева изкуварлик. ишқибози-2» фильмида.  
21.00 «Время»  
21.30 «Хабарлар»  
21.45 «Спорт - менинг ҳаётим»  
22.00 «3-тайм»  
22.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».

23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
30-й канал  
12.00 Очқичи программаси 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Возвращение Мухтара», сериал 14.00 Художественный фильм, «Возвращение», мелодрама 15.40 «Озгина-Созина» совместный проект «30-го канала» и муз.центра биринчилиги. 16.00 Спорт-Экстрим 16.25 «Тайны мира», познавательная передача 17.25 «Теле-хамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Возвращение Мухтара», сериал 19.45 «Ошикона», мусикий дастури 20.30 «Зарубежная эстрада» 21.00 «Теле-хамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Весна на заречной улице», мелодрама 00.00 Программа передач

## Payshanba

20

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тулпорим», «Риштон мўъжизалари»  
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болалар спорти» 2. «Кизиқарли учрашувлар»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»  
10.25 «Фликнинг

саргузаштлари». Мультфильм.  
11.55 ТВ клип.  
12.05 «Агар Сиз»  
12.30 «Тухмат балоси». Хужжатли фильм.  
13.05 Мусикий танаффус.  
13.15 «Бегона». Телесериал.  
14.10 «Журналист таҳлили»  
14.30, 16.20 ТВ анонс.  
14.35 Кундузги сеанс: «Санников ери». Бадий фильм.  
16.00 «Парле ву франсэ?»  
16.25 «2005 йил Сихат

-саломатлик йили»  
«Меҳр-мурувват ёдуси»  
«Болалар сайёраси»: 16.45 1. «Болаликнинг мовий осмони» 2. «Цирк, цирк, цирк»  
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.  
18.10 «Таълим ва тараққиёт»  
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.  
18.55 ТВ анонс.  
19.00 Репортаж.  
19.05 «Макомат»  
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Муносабат»  
21.35 «Кўшигимиз Сизга армуғон»  
21.55 «Ўтган кунлар». Бадий фильм.  
23.25 «Ахборот-дайжест»  
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00, 13.00, 16.00 Давр.  
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
10.10 «Янги авлод»

студияси: Оқ кабутар.  
10.30 Тенгдошлар.  
10.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
11.40 1001 маслаҳат.  
12.00 Телевикторина.  
12.05 Чемпион сирлари (рус тилида)  
12.30 Ёшлар овози.  
12.50 Мусикий лаҳзалар.  
13.10 «Шуке ва Бэйта». Мультсериал.  
13.30 Тараққиёт сари.  
13.50 «Кўчатлар». Бадий фильм.  
15.15 «Даллас». Телесериал.  
16.10 Очқичи.  
16.35 Кўрсатувлар дастури.  
16.40 «Янги авлод» студияси: Китоб жавони.  
17.00 Ёшлар куйлаган-

да.  
17.10 Кафолат.  
17.20 Ёшлар овози.  
17.40 Фарзандим-жигарбандим.  
18.20 Табобат оламида.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.35 «Давр»-репортаж.  
19.45, 22.35 ТВ-анонс.  
19.50 Ўзимизники.  
20.00 Мусикий лаҳза.  
20.05 Бегойим.  
20.25 ТВ-адвокат.  
20.30, 21.20 Ўзлонлар.  
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
21.25 «Умр дафтари» туркумидан: Турғун Алиматов 3-қисм.  
21.50 Олтин мерос.  
22.40 «Скарлетт».

Бадий фильм 7-қисм.  
23.25 Минг бир ривоят.  
23.30 «Галатепалик авлиё». Телевизион бадий фильм.  
23.55-0.00 Хайрли тун.  
Тошкент  
17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Индаба»  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Болажон-кажажон»  
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз»  
19.20 ТТВда сериал:



«Ургимчак түри».  
20.20 «Химоя».  
21.10 «Хайрли оқшом».  
21.50 «Хамшахарлар».  
22.10 Кинонигоҳ;  
«Тёрнер ва Хуч».  
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

**Спорт**  
7.30 «Хабарлар».  
7.45 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).  
9.00 Мультфильм.  
9.05 «Эгизаклар».  
Сериял.  
10.10 «Болалар спорти».

10.25 «Дисней клуб».  
10.45 «Жаҳон футбол».  
11.15-11.35 «Спорт масканларида».  
16.55 Курсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).  
17.15 «Болалар спорти».  
17.30 «Кучли бешлик».

18.20 Кураш. Ўзбекистон кубоги.  
19.00 «Клон». Сериял.  
19.50 Премьера. Л. Удовиченко «Даша Васильева изкуварлик ишқибози-2» фильмида.  
21.00 «Время».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 «Белида белбоги борлар».

22.05 Жаҳон спорти: «Евро - 2004». Голлар.  
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-й канал**  
12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Возвращение Мухтара».

сериял 14.00 Художественный фильм, «Весна на заречной улице», мелодрама 15.40 Спорт-Экстрим 16.25 «Тайны мира», познавательная передача 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Возвращение Мухтара».

«Осиё-2004». Голлар.  
23.15 «Жаҳон спорти: Снукер»  
00.15-00.20. Хайрли тун, шаҳрим!  
**30-й канал**  
12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Возвращение Мухтара», сериял 14.00 Художественный фильм, «Домашнее жаркое», комедия 15.40 «Ошикона», мусикий дастури 16.25 «Тайны мира», познавательная передача 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Возвращение Мухтара».

# Juma

# 21

**«Ўзбекистон»**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 Мумтоз наволар. «Болалар сайёраси»:  
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».  
2. «Цирк, цирк, цирк».  
10.00 «Имом Бухорий». Хужжатли фильм.  
10.20 «Таълим ва тараққиёт».  
10.40 «Орзулар камалаги». Бадий фильм.  
11.45, 14.30 ТВ анонс.  
11.50 «Муносибат».  
12.20 «Сехрли сандик». Мультфильм.  
12.30 «Анааналар этакли давом».  
12.50 С. Аҳмад. «Келинлар кўзғолони». Аброр Хидояттов номидаги ўзбек давлат драма театри-

нинг спектакли. 1-қисм.  
14.05 «Яхшилик».  
14.35 «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 2-қисм.  
15.40 Мусикий танаффус.  
15.55 «Мувоанат». «Болалар сайёраси»:  
16.15 1. «Санъат гунчалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа.  
17.15 «Ибн Сино ҳақида ривоятлар». Теленовелла.  
17.55 ТВ анонс.  
18.00 «Ғарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 49-қисм.  
18.25 «Олтин бешик».  
18.55 Бир жуфт кўшиқ.  
19.05 «Хидоят сари».  
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
20.00 «Оқшом эртаклари».

20.15 «Дастурхон атрофида».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Айёмингиз муборак!» Мусикий дастур.  
21.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».  
22.25 «Ўзбекистон телеканалда илк маротаба: «Дайди». Бадий фильм. 1-қисм.  
23.55 «Ахборот-дайжест».  
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар»**  
6.55 Курсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00 Давр.  
9.25 «Мухаббат можароси». Телесериал.  
10.10 «Давр» - репортаж.  
10.20 Бахтли болалик.  
10.35 Минг бир ривоят.  
10.40 Бегойим.  
11.00 Мели Юсуф.  
«Чеч». Аброр Хидояттов номидаги Ўзбек

Давлат драма театрининг спектакли.  
12.35 «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидан (2003 йил).  
13.20 Телетомошабинлар талабига биноан «Богбон». Бадий фильм.  
15.55 «Умрбоқий кўшиқлар». Мусикий фильм.  
16.30 «Ёдгор». Бадий фильм.  
17.35 Курсатувлар дастури.  
17.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?  
18.00 Аскар мактублари.  
18.20 ТВ-дорихона.  
18.25 Кишлоқдаги тенгдошим.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 ТВ-адвокат.  
19.45 Мусикий лаҳзалар.  
19.55 Минг бир ривоят.  
20.05 Ғазал соғинчи.  
20.25, 21.15 Эълонлар.  
20.30 «Мухаббат

можароси». Телесериал.  
21.20 Хаёт давом этади.  
21.45 Олтин мерос.  
22.40 Минг бир ривоят.  
22.45 «Скарлетт». Бадий фильм 8-қисм.  
23.30 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.  
0.20-0.25 Хайрли тун.  
**Тошкент**  
17.05 Курсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериял: «Индаба».  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Болажонлар экрани».  
18.30, 20.00, 21.00, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».  
19.20 ТТВда сериял: «Ургимчак түри».  
20.20 «Ўзбегим наволари». Мусикий дастур.  
21.20 «Эл хизматида».  
21.40 «Дорихона эшитида».

22.50 Кинонигоҳ: «Юлдузингни бер, осмон».  
00.15-00.20. Хайрли тун, шаҳрим!  
**Спорт**  
7.30 «Хабарлар».  
7.45 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).  
9.00 Мультфильм.  
9.05 «Эгизаклар». Сериял.  
10.10 «Болалар спорти».  
10.25 «Дисней клуб».  
10.45 Мини футбол.  
11.20-11.50 «Дунё манзаралари».  
16.55 Курсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).  
17.15 «Болалар спорти».  
17.30 «Нокаут».  
18.00 «Дадиллик учун соврин».  
18.20 «Баходирлар ўйини».  
18.50 «Спорт - клуб».  
19.00 «Клон». Сериял.  
19.50 «Мўжизалар майдони». Шоу дастур.  
21.00 «Время».  
21.25 «Хабарлар».  
21.40 «Майдон ортидаги одам».  
21.55 Жаҳон спорти:

ри. Мавсум режалари.  
17.50 «Ўзбекистон ифтихори».  
18.10 Аралаш.  
18.40 Концерт дастури.  
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.  
21.00 «Время».  
21.20 «Спорт-клуб».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 «Спорт - саломатлик гарови».  
22.05 «Кулгу тайм».  
22.25 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».  
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-й канал**  
9.00 Открытие программы 9.05 «Телехамкор» 9.25 «Детский час» 9.50 Фильм детям: «Кошечный смертный», сказка

# Shanba

# 22

**«Ўзбекистон»**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 «Мусикий учрашувлар».  
9.05 «Хидоят сари».  
9.25 1. «Санъат гунчалари».  
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.  
10.25 «Бу турфа олам».  
11.15 ТВ анонс.  
11.20 «Олтин бешик».  
11.50 «Оливер ва унинг дўстлари». Мультфильм.  
13.00 «Сиз нима дейсиз?» Мусикий дастур.  
13.30 «Хотира саодати». Бадий фильм. 1-қисм.  
14.35 «Дўстлик» студияси:  
1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз».  
2. «Умид».  
3. «Дурдаршан».  
15.35 «Хотира саодати». Бадий

фильм. 2-қисм.  
16.40 «Табиат шифохонаси».  
16.50 ТВ анонс.  
16.55 «Рангин дунё».  
17.15 «Кўшигимиз Сизга армуғон».  
17.35 «Гап чикди» почтасидан.  
17.50 «Ғарбга саёҳат». Мультфильм премьераси. 50-қисм.  
18.15 «Интеллектуал ринг».  
18.55 «Кишлоқ ҳаёти».  
19.15 «Ўзлото».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Киёфа».  
21.30 Эстрада тароналари.  
«Тунги ёғду»:  
21.50 «Киноафиша».  
22.00 «Ўзбекистон» телеканалда илк

маротаба: «Дайди». Бадий фильм. 2-қисм.  
23.30 «Ахборот-дайжест».  
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар»**  
6.55 Курсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00, 19.00 Давр.  
9.25 «Мухаббат можароси». Телесериал.  
10.10 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?  
10.30, 17.00, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.  
10.35 Оҳанрабо.  
11.15 Таботат оламида.  
11.40 Кутилмаган меҳмон.  
12.05 Мусикий лаҳзалар.  
12.15 «Маҳобҳорат». Телесериал.  
13.00 Фарзандим - жигарбандим.  
13.40 Болалар экрани: «Покахонтас».  
15.00 Кишлоқдаги тенгдошим.  
15.20 Интерфутбол

17.05 Курсатувлар дастури.  
17.10 «Янги авлод» студияси. Билагон маслаҳати.  
17.30 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.  
17.40 «Қаҳқаҳа» хангомалари.  
18.15 Саломатлик сирлари.  
18.35 Каталог.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.40 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.  
20.35 Мусикий лаҳзалар.  
20.45 Минг бир ривоят.  
20.50, 21.40 Эълонлар.  
20.55 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.  
21.45 Олтин мерос.  
22.40 Телетомошабинлар талабига биноан «Кумал ва Сунга». Бадий фильм.  
1.30-1.35 Хайрли тун.  
**Тошкент**  
17.05 Курсатувлар тартиби.  
17.15 «Болажонлар экрани».  
17.40 «Табриқлаймиз-

кутлаймиз».  
18.00 «Мултчархпалак».  
18.20, 19.50 «Экспресс» телегазетаси.  
18.30 Жаҳон географияси.  
19.00 «Мисли гавҳар».  
19.20 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
20.00 «Биргаликда куйлаймиз».  
20.50 «Ўсимликлар олами».  
21.15 «Нима учун?»  
21.45 Кинонигоҳ «Кичкинтойнинг гаройиб саргузаштлари».  
23.15-23.20 Хайрли тун, шаҳрим!  
**Спорт**  
7.30 «Хабарлар».  
7.45 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).  
9.00 «Болалар спорти».  
9.15 Жаҳон спорти: Теннис.  
10.10 «Лаззат».  
10.40 Мухаббат хикоялари. Г. Ветров.  
11.10 Аср сирлари.  
12.00 Мини футбол.  
12.35-13.25 «Кучли бешлик».  
16.55 Курсатувлар дастури.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).  
17.15 «Болалар спорти».  
17.35 Шарқ яққаурашлар-

9.00 Открытие программы 9.05 «Телехамкор» 9.25 «Детский час» 9.50 Фильм детям: «Кошечный смертный», сказка

11.20 «Окно в мир» документальный фильм  
11.40 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 12.50 Спорт-Экстрим 13.25 «Детский час» 13.50 Индийское кино: «Амар, Акбар, Антони» 16.30 Болалар саати 17.25 «Телехамкор» 17.45- «Ошикона», мусикий дастури 18.30 Киновечер на «30-м»: «Ветер и лев», остросюжетный фильм 20.00 «Жикова» 20.20 Хит-парад.uz 21.40 «Телехамкор», фойдала газета 22.00 «Звездочёт», сериял 23.00 «Ночной канал» «Детсадовский полицейский», комедия

# Yakshanba

# 23

**«Ўзбекистон»**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак».  
Болалар учун кинодастур.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Онлар мактаби».  
11.20 «Бу турфа олам».  
12.10, 14.55 ТВ анонс.  
12.15 «Алифбо сабоклари».  
12.35 «Тухфа».  
Мусикий дастур.  
12.55 «Келин ва кўё».  
Бадий фильм.  
14.30 «Киёфа».  
15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон».  
2. «Дидар».  
3. «Айчурек».  
«Болалар сайёраси»:  
16.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат».  
2. «Олтин тож».  
17.00 «Бананлар».

Мультфильм.  
17.30 ТВ анонс.  
17.35 «Экран хандаси».  
18.05 Мусикий танаффус.  
18.20 «Иқтидор».  
Телеуйин.  
19.10 «Бизнес ҳафта».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.  
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).  
20.05 «Оламга саёҳат».  
20.30 «Таҳлилнома».  
21.15 «Одами эрсанг».  
21.35 «Якшанба оқшомида».  
«Якшанба кинозали»:  
22.00 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Рақиб ака-укалар». Бадий фильм.  
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар»**  
6.55 Курсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.

8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00 Давр.  
9.25 «Янги авлод» студияси. Билагон маслаҳати.  
9.45 «Бахтиёр шахзода». Мультфильм.  
10.05, 11.55, 19.30 ТВ-анонс.  
10.10 Хамкор - 2005.  
10.20 Саломатлик сирлари.  
10.40 Очил дастурхон.  
11.05 Ёшлик наволари.  
11.15 «Ёшлар» телеканалда харбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон.  
2. Аскар мактублари.  
12.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.  
12.45 «Заковат». Интеллектуал ўйин.  
13.40 «Ғаройиб ҳодиса». Бадий фильм.  
14.40 Чемпион сирлари.  
15.00 Ринг қироллари.  
15.50 Хуш келибсиз.  
16.15 «Ёшлар» телеканалда премьераси.  
17.30 Курсатувлар дастури.  
17.35 «Янги авлод»


студияси: Катта танаффус.  
18.00 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.  
18.25 Сув-хаёт манбаи.  
18.30 Спорт ҳафтано-маси.  
18.45 ТВ - афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр» ҳафта ичида.  
19.35 Улугбек Отажонов куйлайди.  
19.55, 20.45 Эълонлар.  
20.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.  
20.50 Оҳанрабо.  
21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.  
22.30 «Отамнинг излари». Бадий фильм.  
23.55-0.00 Хайрли тун.  
**Тошкент**  
17.05 Курсатувлар тартиби.  
17.15 Болажонлар экрани.  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
18.00, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Жаҳон географияси».  
18.40 «Эртақларнинг сехри олами».  
20.20 «Табриқлаймиз-

кутлаймиз».  
20.50 «Экран зийнати ва хиймати».  
21.20 «Шунақа гаплар».  
21.35 «Те плюс».  
22.05 «Ёқимли иштаха».  
23.05 Кинонигоҳ: «Миршаблар ва Робберсонлар»  
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!  
**Спорт**  
7.30 «Хабарлар».  
7.45 «Бардам бўлинг».  
Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).  
9.00 «Болалар спорти».  
9.20 Мультфильм.  
9.25 «Куноқ стартлар».  
10.00 «Соғлом овқатланмиш сирлари». Инглиз тилида.  
10.10 Д. Крыловнинг «Йулда ёзилмаган ҳайдалар».  
10.30 «Халқ уйдарида».  
11.10 Махсус тергов.  
12.00 «Рақибингиз гроссмейстер».  
12.15 Мини футбол.  
12.50-13.50 «Профессионал бокс тарихидан».  
16.55 Курсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).  
17.15 «Бинафша».  
17.35 «Спорт - клуб».  
Ринг.

Пскент туманидаги 28-урта мактаб томонидан 2002 йилда Бозоров Сардор Бердалиевич номига берилган 1394062 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**  
Тошкент вилояти Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси томонидан 1994 йил 27 июнда «ФОФФОР» хусусий кичик корхонасига берилган 2280-сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**  
ТВШ ОВД СССР томонидан 30.05.1981 йил Муродов Давлатжон Мухамеджанович номига берилган № ЖВ 076878 Пер № 3274 диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**  
1993 йил 12 мартда Салиева Анна Алексеевна номига берилган 10-02/13329 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**  
Зангиота туман суд ижрочилар бўлини маси томонидан яроксиз ҳолдаги NEXIA автомашинаси 24 январь куни аукцион орқали **СОТИЛАДИ.**  
13.30 Хит-парад.uz  
14.50 Болалар саати  
15.45 Дневной кинозал: «Детсадовский полицейский» комедия 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Музыкальная пауза» 18.20 Киновечер на «30-м»: «Убийство в белом доме», детектив 19.50 «Ошикона», мусикий дастури 20.35 «Звездочёт», сериял 21.35 «Телехамкор» 21.55 «Музыкальная пауза» 23.00 Воскресный кино вечер на «30-м»: «Ширли мырза», комедия 00.00 Программа передач



# ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТЖОН



## ● Сонда бору...

# ГАЗ ЎЛЧАГИЧ ЎРНАТДИК, АММО...

— Ойнак жаҳон орқали юртимизнинг олис қишлоқларидаги хонадонларда гуриллаб ёниб турган табиий газни, ёки янги газлаштирилган қишлоқ аҳолисининг хурсандчилигини кўрганимизда, ҳавасимиз келиб, термулиб ўтираемиз, — дейилади Уртачирчиқ тумани, «Ўртасарой» ширкат хўжалиги, Мапр маҳалла аҳолисидан келган мактубда. — Аммо, яна ўйлаб қоламиз, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, буларда ҳам бизлардаги каби газнинг номи-ю, унинг қувурлари қолмасмикин?

Гап шундаки, 1994 йилда маҳалламиз газлаштирилганди, бу аҳоли учун катта тортиқ бўлганди. 1998 йилдан бошлаб эса газ босими камая бошлади. Бизга етиб келаётган газда бориб-бориб уй иситиш у ёқда турсин, ҳатто, чой қайнамай қўйди. Бу муаммо бўйича туман газ тармоқлари бўлимига мурожаат қилдик. Буни қарангки, ушбу арз-додимиздан сўнг келиб турган озгина газ ҳам йўқ бўлди-қолди.

Юқори ташкилотлардаги мутасаддилар бизнинг маҳалладаги бу ҳолатни кўриб, кўрмаганга олдилар, айрим маслаҳатгўйлар газ ўлчагич ўрнатишимиз кераклигини, шундагина газ исрофига йўл қўйилмаслигини ва босим кўтарилишини айтишди. Уларнинг бу маслаҳатини ерга ташламай, ўлчагичлар ўрнаттирдик. Аммо, ҳеч қандай натижа бўлмади. Маҳалламиздаги қувурларда қайтиб табиий газ оқмади.

Муаммони ҳал этишларини сўраб борган ташкилотларимиз эса, маҳалламизнинг газдан

катта қарзи борлигини рўқач қиладиган бўлишди. Ҳали тузук-қуруқ фойдаланмаган газдан «ботмондай қарз»нинг бор деган дашном эшитиш кишига алам қиларкан. Ушбу масалага алоқадор ташкилотлар эса бизга ёрдам бериш ўрнига газ ўлчагичнинг ҳақини тўланглар

дейишдан нарига ўтмайди. Ахир, газ ўлчагичлар беш йилга шартнома асосида ўрнатилади деб эшитгандик, нима учун улар бунга амал қилишмайди. Қолаверса, ёқадиган газ бўлмагандан кейин газ ўлчагичнинг нима кераги бор?

Масаланинг экологик жиҳати ҳам бизни тобора ташвишга солмоқда. Маҳалладошларимиз бир неча йилдирки, қиш-қировли кунларда кўча-кўйдаги ва маҳалла яқинидаги тутзор ва бошқа дов-дарахтларни кесиб, ёқиб бўлдилар. Энди ўз ҳовлиларидаги мевали дарахтларни ҳам печка ва ўчоқларга тикмоқдалар. Бу кетишда яқин кунларда ҳеч кимнинг уйида мевали ёки манзарали дарахт қолмайди. Худудимиз чўлга айлиниб қолиши ҳеч гап эмас.

Истардикки, мутасадди ташкилот раҳбарлари маҳалламизга табиий газ этиб келмаслигининг сабабини ўргансалар ва уни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўрсалар.

**Хурмат билан,  
маҳалла аҳолиси.**



**Инсон яшар экан, турли қутилмаган хавф-хатарлар, табиий офатлар ҳаминша унинг ҳаётига таҳдид солиб туради. Жаҳоннинг турли бурчакларида содир бўлаётган фавқулодда ҳодисалар бизни огоҳ бўлишга, ҳар қандай вазиятларга тайёр туришга ундайди. Вилоятимиз туманларида, улардаги корхоналарда бу борада аҳвол қандай?**

**Баҳодир Мирвалиев, муҳандис.**

## ОГОҲ БЎЛГАН МАЪҚУЛ

Фавқулодда ҳодисалар содир бўлса, ҳар ким ишлаётган ёки яшаб турган ҳудудидаги энг яқин хавфсиз жойнинг қардалигини яхши билиши керак. Паркент туманидаги кўп қаватли мактабларда, аҳолининг салмоқли қисми меҳнат қиладиган корхона ва ташкилотларда ер ости беркинши жойлари мавжуд.

Агар ён-атрофда, айтилик, Тошкент шаҳрида бирор фавқулодда ҳолат юз бергудек бўлса, Паркент тумани аҳоли кўчириладиган хавфсиз ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ерда эвакуация қилинганлар ҳисобга олинми, шу ернинг ўзида тиббий кўриқдан ўтказилади ҳамда уларни кийим-кечак, озик-овқат ва бошқа зарурий ашёлар билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Инсонларни зарарли моддалардан муҳофаза қилувчи махсус пана жойлар, бошқача қилиб айтганда, ертўла ядро портлашлари пайтида одамларни зарб тўқини, ёруғлик нури,

турли радиациялардан, радиоактив моддалар хавфидан, яхши ҳимояладиган ҳоли жой бўлиши лозим. Бунинг учун ертўлаларнинг ёруғлик тушадиган жойларини пахта ва шунга ўхшаш ашёлар билан яхшилаб беркитиш зарур. Ҳаво кириб-чиқиши, муҳит мўътадил бўлиши учун ертўланинг юқорисидан ва пастида тўйнуқ қолдирилса кифоя. Бундай жойларга келтириладиган озик-овқатлар қуритилган ҳолатда, ичимлик сувлари эса махсус идишларда етарли ғамланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Барча тезкор чора-тадбирлар, аввало, инсонлар ҳаётини сақлаш, уларнинг саломатликларига путур етишидан ҳимоялашга қаратилиши керак. Ана шундагина рўй берган офатнинг инсонлар ҳаётига хавф солиш эҳтимоли камаяди.

**Дялшод ШОЛДОРОВ,  
Акмал ЭШОНҚУЛОВ, талабалар.**

## ● Сансалорлик

# Қачон улаб берадилар?

Туман электр тармоқларининг маҳаллий инспекторлари уйимизга келиб, электрдан қарзимиз борлигини айтишди. Ҳозир бу тўловларга имкониятимиз йўқлигини айтганимизда, хонадонимизга уланган электрни узиб, симларини олиб кетишди.

Ҳеч қандай эътироз билдирмадик, чунки, ҳақиқатан ҳам қарзимиз бор эди. Бирок, орадан уч-тўрт кун ўтиб, маош олгач, барча қарзларимизни тўладик. Аммо, электрчилардан дарак йўқ, масъуллардан бирортаси узиб ташланган симларни улаб берай демайди. Анчагача қийналдик, ахир турмуш ўртоғим вақтинчалик ва нобоп қилиб эски электр симлари билан улаб қўйдилар. У ҳам гоҳида ша-

мол таъсирида бир ўчиб, бир ёнади. Бирор қор-хол бўлмасмикан деб ҳадиқда ўтираемиз.

Туман электр тармоқлари бўлимига мурожаат қилсак, улар буни ҳудудий электр усталари қилишини айтишмоқда. Ҳудудий ходимларни эса топиб бўлмайди.

Ҳўш, бизнинг электримизни ким ва қачон улаб беради?

**Машкура АСҚАРОВА,  
Зангиота тумани,  
Ф. Маҳмудов кўчаси.**

## ● Акс-садо

# «FM» тўлқинлари қаторига қушилган телеканал

Газетанинг 2004 йил 29 декабрь сонидан эълон қилинган «Тинглаганлар уялса-ю, сўзлаганлар уялмаса» сарлавҳали мақола-ни ўқиганимдан сўнг, менда ҳам бир қатор фикр-мулоҳазалар тугилди. Бугун «FM» тўлқинидаги айрим радио каналларни тинглар экансиз, уларда билдирилаётган фикрлар, бирдан-бири маъносиз, тугуриги йўқ гап-сўзлардан чарчаб кетасиз.

Энди радио каналлар олдига айрим телеканаллар ҳам қўшилди.

Бир-икки сафардан буён «30» каналдаги «Хит парад» кўрсатувини кузатиб бораёпман. Кечирасиз-у бу кўрсатув эмас, балки, экрандаги масхарабозликдир. Аслида, ёш хонандаларнинг экрандаги танлови тарзидаги бу кўрсатувда қўшиқчиларнинг устидан қулиш, ёш бошловчиларнинг кўча тилида, оғзига келган гапларни айтиб, бачкана қилиқлар қилиши биргина мени эмас, балки, ҳаммининг энсасини қотираётган бўлса керак. Энди ушбу кўрсатувда «SMS» электрон почтаси ташкил этилибди. Унга ёшлардан келаётган мактубларни ўқисангиз, хат муаллифларида шаклланаётган маънавий киёфанинг қай даражада эканлигини кўриб, ёқа ушлайсиз.

Наргиза исмли қиз ушбу электрон почтага хат ёзапти:

— Одил, мен сени севаман, сени жонимдан ортиқ кўраман, сени кўрмасам ўлиб қолишим мумкин. Агар менга уйланмансанг, ўзимни бир бало қилиб қўяман.

Қиз боланинг муҳаббат изҳор қилиши шунчалар осон бўлди-ми ёки севгинини дoston қилиш урфга айландими? Аслида бундай дил изҳорларини ҳақиқий деб бўладими? Ор-номус, андиша деган тушунчалар қайда қолди?

Ана энди бу кўрсатув ва унинг мухлислари, қолаверса, ёшларга маъқул бўлаётган бу каби кўрсатувларнинг улар тарбиясига таъсири ҳақида ўйлаб қўринг-а.

**Азамат ҲАМДАМОВ,  
Қйрай тумани, ишчи.**

## ● Сўраган экансиз

«Бўка пахта тозалаш заводи» очик акциядорлик жамиятида 470 дан зиёд киши меҳнат қилади. Заводда давлатнинг қимматбаҳо хом ашёси сақланади, қайта ишланади ва жаҳон бозорига чиқарилади. Ўтган мавсумда корхона 40 000 тонна хом ашё қабул қилди ва айна пайтгача унинг тенг ярми чет давлатларга экспорт қилинди.

Ўз-ўзидан маълумки, корхонада фавқулодда ҳодисалар юз беришининг олдини олиш, ёнгин чиқиши ёки бошқа шу каби офатлар содир бўлганда керакли чораларни кўришга катта эътибор берилди ва бу ҳолат корхонада қатъий тартибга солинган. Бу ерда фавқулодда ҳодисалар ҳамда ёнгинга қарши курашиш бўлимлари мавжуд бўлиб, улар етарли техник воситалар билан таъминланган. Шу жумладан, иккита ўт ўчириш машинаси техник соз ва шай ҳолатда сақланади. Хом ашё сақланадиган омборлар ва унинг ён-атрофларига ёнгин хавфи ва ёниш тезлигини сусайтирувчи

воситалар билан ишлов берилган.

— Корхонамизда ҳар йили анъанавий тарзда фавқулодда ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи, у содир бўлганда қилинадиган зарурий ҳаракатлар ҳақида махсус ўқув-машғулотлар ўтказиб келинади, — дейди корхона ёнгинга қарши курашиш бўлими бошлиғи Равшан Расулжонов. — Туманимиздаги мутасадди идора вакиллари бу борада бизга етарлича ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Шунингдек, корхонада ҳавога захарли газлар тарқалганда, ядровий портлашлар содир бўлганда ишчи-хизматчилар муҳофазаланадиган махсус ертўла мавжуд бўлиб, у айна пайтда зарурий талабларга жавоб беради. Бу ерда хавфсизликни таъминлаш фақат корхона маъмуриятининг эмас, у ерда ишлаётган ҳар бир меҳнаткашнинг масъулиятли вазифасига айланган.

**Фаррух МАЛИКОВ,  
Алишер МАМАТРАИМОВ, талабалар.**

(Иккала мақола Тошкент Молия институти доценти Маҳмуд ИЛҲОМОВ раҳбарлигида тайёрланган).




# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
songi  
xabarlar

## Польша: Иложсиз қолганда



Пайшанба куни Польша ҳукумати янги қонун қабул қилди. Унга кўра, ҳарбий ҳаво кучлари мамлакат осмонида хавф туғдирувчи ўғирланган самолётларни уриб тушириш имконига эга бўлдилар. Террорчиларни зарарсизлантиришга бўлган уринишлар натижа бермаган ҳолларда мудофаа вазири ёки авиация қўмондони ана шундай қарор қабул қилиши мумкин.

Россия:

### Улар Москвага келтирилади

Угандада ҳалокатга учраган Ан-12 самолёти бортида бўлган россиялик 6 учувчининг жасаdlари тез орада Москвага келтирилади. Жасаdlарни дастлаб Дехлига олиб келиш, у ерда «Аэрофлот» самолётига ўтказиш режалаштирилмоқда. Ан-12 Угандада 8 январь куни қушлар галасига тўқнашиб кетиб, ҳалокатга учраганди.

Грузия:

### Расмий табрик бўлмади

Михаил Саакашвили Сергей Багапшни Абхазиядаги сайловларда эришган ғалабаси билан табрикламади. Грузия президенти бўлиб ўтган сайловларни қонуний деб ҳисобла-маслигини айтди. Унинг фикрига кўра, фақат барча сайловчилар иштирок этган сайловларгина қонуний кучга эга. 12 январь куни эса «аҳолининг катта қисми» бундай имкониятдан махрум бўлди.

Украина:


### Кўҳна байроқ остида

Инаугурация маросими чоғида Виктор Ющенко Украина халқига садоқати ҳақидаги қасамёдини гетман Богдан Хмельницкийга тегишли асо ва байроқ билан амалга оширади. Гетманнинг давлат рамзлари Киевга Стокгольм ва Варшавадан келтириб қўйилган. Инаугурациядан сўнг президентлик тимсоллари Украина тарихи музейида намойиш этиш учун жойлаштирилади.

Яқин Шарқ:

### Навбатдаги қурбонлар

Исроил ва Ҳазо сектори чегарасида уюштирилган террорчилик хуружи оқибатида камида 5 киши ҳалок бўлди ва ўндан ортиқ одам жароҳат олди. Кармидаги назорат-ўтказиш маскани ҳудудида икки террорчи ўзини ўзи портлатиб юборди. Портлашдан сўнг мазкур маскан жойлашган ер кучли ўққа тутилгани боис, ярадорларни олиб чиқиш мушкул кечди.



Сан-Францискодаги кўприк.

## Шарҳловчи минбари

### АҚШнинг янги миллий хавфсизлик вазири

АҚШда янги ҳукумат таркибини тузиш жараёни якунланди. Президент Жорж Буш таниқли ҳуқуқшунос Майкл Чертоффи миллий хавфсизлик вазири этиб тайинлади.

Янги лавозимга тайинлангунга қадар, М.Чертофф Пенсилвания штатидаги федерал апелляция суди аъзоси сифатида фаолият кўрсатган. У 2001-2003 йилларда АҚШ адлия вазирлигининг жиноий ишларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб, 11 сентябрда Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида содир этилган кўпуровчилик ҳаракатларини текширишда фаол иштирок этган.

2004 йил охирида миллий хавфсизлик маҳкамаси раҳбари Том Риж истеъфо берганди. Ушбу лавозимга АҚШ президенти дастлаб Нью-Йорк шаҳри полиция бошқармасининг бошлиғи Бернард Керик номзодини илга-

ри сурди. Бирок, у Ж.Бушнинг таклифига рози бўлмади.

Оқ уй раҳбари М.Чертоффнинг халқаро террорчиликка қарши кураш олиб борилаётган бир шароитда ўз вазифасини мохирлик билан бажара олишига ишонч билдирди. Янги вазир АҚШ миллий хавфсизлигини таъминлашда ўз тажрибаси ва имкониятларини ишга солишга ваъда берди.

Миллий хавфсизлик вазири номзоди АҚШ Конгрессининг (парламенти) сенати томонидан тасдиқланганидан сўнг расман ишга киришади.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

### Судан: тинчлик йўлидаги муҳим қадам

Кения пойтахти Найроби шаҳрида Судан масаласи бўйича музокара ўтказилди. Унда мамлакат жанубидаги можароларга чек қўйиш мақсадида ҳукумат ва исёнчи гуруҳ вакиллари ўртасида тинчлик битими имзоланди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, мамлакатнинг жанубий ҳудудидаги қуролли тўқнашувлар 20 йилдан буён давом этиб келади. Бу ерда яшовчи аҳоли асосан насроний динига мансуб бўлиб, улар мухторият берилишини талаб қилиб келарди. Можаролар туфайли икки миллионга яқин инсон ҳаётдан кўз юмди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда,

тинчлик битимида қуролли можароларга барҳам бериш ҳамда давлат бошқаруви аниқ кўрсатилган. Хўжжатга мувофиқ, мамлакат жанубида ўтиш даври ҳукумати тузилади ва олти йил мобайнида фаолият юртади. Шундан кейин жанубий ҳудуднинг ягона Судан таркибида мухторият мақомида қолиши ёки мустақил давлатни барпо этиши юзасидан референдум ўтказилади.

Ўтиш даври ҳукумати ўзининг қуролли кучларига эга бўлиши мумкин. Агар референдум натижалари давлатнинг бўлинмаслигини кўрсатса, у ҳолда тузилган қуролли кучлар ягона армияга бирлаштирилади. Лекин шарият қонунлари жанубда бутунлай бекор қилинади.

Судан президенти Умар ал-Баширнинг фикрича, тинчлик битими нафақат мамлакатнинг жанубий қисмида, балки бошқа ҳудудлар, хусусан Дарфурдаги беқарорликка барҳам бериш учун ҳам асос бўлиши мумкин.

Тинчлик битими атрофлича ўрганиб чиқилганидан кейин Суданнинг жанубида ўтиш даври ҳукумати расман иш бошлайди. Тахминларга кўра, бунинг учун уч ой керак бўлади.

Фазлиддин АРЗНЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## АНТИҚА ТАДБИР

Ажралишган оталар ҳуқуқлари учун курашувчи «Адолатпарвар оталар» ҳаракати фаоллари Буюк Британиянинг «Celebrity Big Brother» реалити-шоуси суратга олинаётган киностудия хоналарига бостириб кирди. Мантисиз бу хуруж муассаса кўриқчилари ва полициячилар ўртасидаги катта ғала-ғовурга сабаб бўлди. Шоу қатнашчиларининг ўзлари эса, бу пайтда ухлаб ётганликлари боис «оталар» тadbирини муносиб баҳолай олмадилар. Афкор омма диққат-этиборини ўзларига қаратиш учун ғарбдаги одамлар нималар қилишмайди, дейсиз.

## КУТИЛАЁТГАН КАШФИЁТЛАР

Англиядаги Guardian газетаси 2005 йил мобайнида амалга оширилиши керак бўлган кашфиётлар рўйхатини чоп этди. Унга мувофиқ, дастлабки ўринда инсонни клонлаштириш вазифаси туради. Шунингдек, фазовий тадқиқотлар соҳасида ҳам муҳим ихтиролар кутилмоқда. Бу аввало Сатурнга Huygens зондини кўндириш ҳамда Tempel 1 кометасини портлатиш билан боғлиқ.



## ХАТО ҚИММАТГА ТУШДИ

Ўликхонанинг музлатгич камерасига янгилиш туфайли жойлаштирилган одам танасининг ҳаддан зиёд совутилгани боис оламдан кўз юмди. Хорватиянинг Чаковац шаҳарчаси шифохонасида ўпка саратонидан даволанаётган 65 ёшли беморни афтидан ҳалок бўлди деб ўйлашган ва ўликхонага жўнатишган.

А м м о, ёриб кўриш натижалари унинг ўта совуққа чидай олмай вафот этганини кўрсатди.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



• Мусо Тошмухаммад ўгли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

• Мухлисларга тухфа

# АДИБ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Турон» илмий-универсал кутубхонасининг ўқув залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофотларининг соҳиби, академик Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.



Анжуманни таниқли адабиётшунос Наим Каримов олиб борди. У Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, буюк адиб меросининг аҳамияти ва маънавий бойлигимизни янада юксалтиришга қўшган ҳиссаси, адиб асарларининг бетакрорлиги, уларда кўтарилган самимий меҳр-оқибат ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, академик Бахтиёр Назаров, адабиётшунос Собир Мирвалиев, филология фанлари номзоди Шухрат Ризаев, адибнинг қизи Ойнур Тошмухамедова ва бошқалар адиб ҳақидаги ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар, «Қутлуғ қон», «Навойи» романлари, дилрабо достон ва шеърлари ҳақида сўз юритдилар.

Ойбек! Унга камтарлик, камсуқумлик ва Ойбекка хос меҳрибонлик ярашади. Сабабки, улуғ адиб ана шу фазилатлари билан ўша меҳроқибат, камтарлик, эътиқод беписанд замон-

ларда ҳам ўзининг фазилатларига содиқ қолганлиги билан жасоратли инсондир. Эътиқод ўзингни англаш, қадрингни сезиш, ғурурингни ҳис қилиш деганидир. Ойбек ана шундай эътиқодли, меҳрибон ва самимияти баланд ёзувчи. Сўзнинг сеҳрли уммонида халқ — қончи, тоштарош. Шоир ва адиб эса қимматбахор тошлардан сеҳрли қирралар топиб, жавоҳирлар яратувчи заргардир. Ойбек ижодини ана шу заргарликка қиёслаш мумкин.

Хотира кечасида Мамнон Уйгур номидаги ўзбек миллий драма театри актёрлари адиб асарларидан сахналар ижро этишди.

Шавкат ТУРОБ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти яна бир савобли ишни амалга оширди. Муаллифлар Мухаббат Ҳамроева ва Гулнора Зокироваларнинг изланиш ва сазой-ҳаракатлари билан дунёга келган «Эрта сўнган юлдузлар» китобини нашрдан чиқарди.

# ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ПОРЛАЙДИ

Дарҳақиқат, яхши инсонларни хотирлаб яшаш савоб ишдир. Қисқагина умрида ўзидан ўчмас из қолдирган, ижоди ва фаолияти билан эл-юрт равнақиға муносиб хисса қўшган инсонларнинг эзгу амалларини, ҳеч қаерда қайд этилмаган, очилмаган қирраларини очиб бериш ва бу билан улар руҳини шод этиш мақсадида юзага келган рисоладан халқимизнинг бевақт вафот этган йигирма тўрт нафар фарзанди ҳақидаги туркум хотиралар ўрин олган. Оташнафас ижодкорлар Шавкат Раҳмон, Тилак Жўра, Муҳаммад Юсуф, Хожиакбар Шайхов, Абдулла Турдиев, Аъзам Ўқтам, Ҳамза

Имонбердиев, Чори Аваз, қисқа, аммо, салмоқли ижод йўлида халқимиз қалбидан муқим ўрин эгаллаган санъаткорлар Рустам Ҳамроқулов, Собит Асомов, Охунжон Мадалиев, Мухриддин Ҳолиқов, Лайло Алиева кабилар шулар жумласидандир.

Ушбу китоб марҳум ижодкорларнинг оила аъзолари, яқинлари, мухлислари учун муносиб совға, ўз навбатида уларнинг кемтик кўнгилларига ўзига хос таскин бўла олиши билан ҳам қимматлидир. Шу билан бирга унда ижодкорларнинг ҳали ҳеч ерда эълон қилинмаган ижод намуналари ҳам ўрин олган.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Ёруғ дунёда яшаш қандай яхши. Яхши яшаш унданда яхши.

Соқивой шундай ширин хаёллар билан йўлида давом этарди. Қани энди хаёлидан ўтаётган барча орзуларига бирдан эришиб қолса. Маҳобатли сарой, Европанинг энг сўнгги моделдаги гижинглаган машинаси.

Хуллас, Соқивойнинг орзу-ҳаваслари тўқимачилик дастгоҳининг калавасидек чувалашиб борарди. Ногоҳон ариқ бўйида занг босиб ётган қадимий мис кўзага кўзи тушди. Дарҳол кўлига олди. У ёқ бу ёғини ўгириб, синчиклаб текширди. Бус-бутун. «Бу йўлдан кунига қанча-қанча одамлар, ёшу қарилар ўтади, — хаёл қилди у. — Балким, Яратган бу инъомни менга атагандир».

Шу пайт бирдан «— Бу Оловиддиннинг сеҳрли чироғи бўлса-чи», — деган фикр миясига урилдию, уни секингина тўнининг бағрига яширди. «Нима бўлганда ҳам уйга олиб бораман, нима сўрасам ҳам уйда сўрайман».

Дарвозадан икки хатлаб уйга кирди. Кўзани ерга қўйиб, тўнининг бир учи билан ишқалай бошлади. Лекин кўза қилт ҳам этмади. «Эй, Соқивой, сен ўйлаган сеҳрли шамчироқлар фақат киноларда бўлади», — деб ўзига-ўзи пичирлади-да кўзани бир четга улоқтирди. Шунда денг бирдан момақалдироқдай овоз оламни ларзага солди, атроф чанг тўзонга қопланди. Соқивой даҳшатга тушиб, ҳовли бур-

чагидаги товуқ катагига ўзини урди. Не кўз билан кўрсинки, қиёфасини киноларда кўриб юрган жин қаршисида қўл қовуштириб турарди. Ана холос... Соқивой кўрқа-писа титроқ овозда:

— Се-н-н ў-ўш-а-а жин-н...ми? — деб сўради.

Жин эса бир акса урди.

ганларича молу давлатми, гўзал маликаларми, ҳамма-ҳаммаси муҳайё. Хуллас, нимасини айтай. Менинг керагим бўлмай қолди.

— Ундай дема, — Соқивой жинни юпатишга тушди. — Мана, мисол учун мен ундайлардан эмасман. Қолаверса, менга ўхшаганлар оз эмас.



# «ЧАП ЁНБОШ» ДАН ТУШГАН ТАРСАКИ

Сен ҳали кўпнинг кунига ярайсан.

Соқивойнинг бу гаплари ўзига ҳам ёқиб тушиб, яна ширин хаёл сура кетди. «Яхши бўлди. Мана энди бу жин билан анча ишлар қиламан. Ҳали ҳаммаси кўради, манаман деганлар ҳам менга таъзим қилишади, ўшанда кўрамиз».

— Ҳой, жин, сендан бир-икки нарса сўрасам бўладими?

— Энди Соқивой ҳозиргина айтдим, бу кўзада узок ётдим. Илгаригидек куч-қудратим йўқ, яна билмадим. Сенинг кўнглинг нимани тусайди, бажара олармиканман? Қани, сўраб кўрчи, ҳаракат қилиб кўраман.

Соқивойнинг боши қотди. «Ростдан ҳам жиннинг кучи етмасачи, биттагина нијатини бажариб, қолганига «ожизман» деб қолсачи? Нимани сўрасам экан? Уйми, пулми, машина...»

Шу вақт жиндан: «Соқи-

вой, бўлақол, тила-тилагинги» деган садо келди.

— Биласанми, нимани сўрашни билмай қолдим, — деди Соқивой.

— Сен аввал кичикроқ нарсани сўра, барибир катта ишлар кўлимдан келмайди.

— Масалан, нимани сўрай?

— Тахминан, кир ювиш, овқат қилиш, уйларни тозалаш, дазмол қилиш, сигир соғиш, бозорга бориб рўзгор учун ул-бул харид қилиш, уйга қайтганинда йўлингга пешвоз чиқиб илиқ табассум

билан қарши олиш ва шунга ўхшаш юмушларни бажара оламан.

— Сени кўзадан фақат шунинг учун чиқардимми? Ахир бу ишларни хотиним ҳам бажара олади-ку! Мен сендан сўрайдиган нарсаларим кўп эди. Бир уй бола, участка чала... Ахир, бу кемтикларни қачон, қандай қилиб тўлдираман? Эй, ўша жин бўлган сени...

Соқивой шундай дедию, бор кучи билан жин томон ўзини олди.

Шу вақт юзига тушган тарсакидан кўзларидан олов чақнаб кетди.

— Ҳой, дадаси, яна нима бало? Сизга неча марта айтман, чап ёнбошингиз билан ётманг, — деб.

— Эй, онаси, бу жин дегани жуда табимни тирриқ қилди. Бир иш буюрсанг, бажаролмайман, бошқасини айтсанг қўлимдан келмайди, дейди. Ҳатто, оддий тарсакиниям ўхшатолмайди. Ҳали ҳам ўзингдан қўймасин, хотин — ҳаммасини ўхшатасан.

Асрор СУЛАЙМОНОВ.

**Кўлганга Нима Етсин!**  
**ИНСОФИ БОР-ДА**  
 Харидор дўкандорга деди:  
 — Амаки, тортиб берган шакарингиздан эллик грамм кам чиқди-ку.  
 — Шунисига ҳам шукр қилгин, инсоф қилибман.

— Нимага энди?  
 — Хотиним тортиб берганда борми, камида 200 грамм кам чиққан бўларди, — деди дўкандор.  
**Ўғли ЭКАН**  
 Дехқон бозоркомга арз қилди:  
 — Дарвоза олдида битта басавлат

йигитча йўлимизни тўсиб, «сабзавотларингни бизга «оптом» сотасан, йўқса бозорга киритмайман», деяпти. Чора кўрмасангиз бўлмайди.  
 — Бундайларнинг алақачон таъзини бериб кўярдим-у, ўша йигитча ўғлим бўлади-да, — дермиш бозорком.  
**Аширбой РЎЗМЕТОВ.**

# ДОНО СЎЗ — ДУНЁ КЕЗАР

• Ёмондан нари юриш фарз — бу қабоҳатнинг олдини олади, яхшига ёндошган айна мудоао — фазилатга йўл очади.

• Зийнат — инсоннинг ташқи қиёфасига, фикр — унинг ақл-идрокига муносибдир.

• Суратгар қўли ва турли туман бўёқлар ёрдамида инсонни гўзал қилиб тасвирлай олади, лекин унинг ички дунёсини тасвирлашга ожизлик қилади.

• Истеъдодли одамга — дағаллик, қобилиятсизга — мансаб ярашмайди.

• Жаҳонда бор нарса — ақлга, ақл эса тажрибага муҳтождир.

• Ҳашамат — фикр юритиш ёки мутакаббирликда эмас, ҳайбат дағалликда эмас, одилликда.

• Уч хунар бошқа уч нарса билан қўшилмайди: ҳақиқат — сўз билан, шафқат — ғазаб билан, таом — Ҳирс билан.

• Дарахт гуркираб ўсса, мева беришига умид қилса бўлади, ҳолдан тойиб сўла бошласа, ўтидан бошқа нарсага ярамайди.

• Кимки аслидан тонса, ҳеч қачон умиди ўзига йўлдош бўлмайди.

• Душмандан мурувват кутмагандай, пасткаш дўстандари юрган маъқул.

• Ҳамсуҳбатни, гарчи у юз ерига ямоқ тушган чопон кийган бўлса ҳам, ўзингга тенг бил.

• Ҳимматли одам оқибатда шараф ва улуғворлик мартабасини топади.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси бош директори Бобур Алимовга акаси **Фикрат АЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси кўп йиллар «Тошкент ҳақиқати»да ишлаган журналист Ҳабибулла Олимовга падари бузруквори **РЎЗМАТ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ** **ТОШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
 Муассис **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**  
 Бош муҳаррир, вазифасини бажарувчи **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**  
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.  
**Манзилми:** 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
 Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
 Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
 • Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.